



ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2009 йил
12 август
ЧОРШАНБА
№ 64
(12.180)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Август – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой

КОРЕЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Президентининг махсус вакили, Миллий ассамблеяси депутаты Ан Санг Су раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида музокара-лар ўтказди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Корея делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Сохикирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи рангбаранг экспонатлар ва ноёб буюмларни кўздан кечирдилар.

Ў.А.

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бошқаруvinинг йиғилиши бўлди. Унинг ишида бошқарув аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, фаол аёллар иштирок эттиди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Рустам Холматов раислик қилди.

Ташкилий масала кўрилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайёра Файзуева вилоят хотин-қизлар қўмитаси раислигига сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова қатнашди.



БУ ОЙДАН УМИД КАТТА

Дехқон ҳаётининг бекорчи даври дейрли бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида ҳар бир ойнинг ўз ўрни, бажариладиган агротехника тадбирларининг аниқ вақти ва мақсади бўлади.

Бирок, дехқонлар яхши билишадигани, пахтачиликда ҳосил салмоғини оширишда август ойи энг қулай, айни пайтда ўта масъулиятли палла ҳисобланади. Шу боис, пахтакорлар августни пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой, деб билишади. Бу даврда гўза агротехника та-

лабларига рисоладагидек амал қилиб парваришланган, унинг ривожига тезлашиб, шоналар гулга, гуллар кўсакларга айланади. Бўлиқ кўсаклар эса ой якунига етар-етмас қийғос очилиб, лўппи-лўппи пахта бўлади.

Бу ҳақиқатни бекобдлик пахтакорлар ўз

фаолиятлари мобайнида кўп бора синавдан ўтказганлар. Хусусан, тумандаги "Зокиржон Абдурашидов" фермер хўжалиги дехқонлари ҳозир бор куч ва имкониятларини ишга солиб, гўза парваришига зўр бераётганлар.

– Жами 37,3 гектар майдонда ҳосил етиштиряпмиз, – дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Бароат Юсупова. – Бироз мурраккаб келган баҳорги табиий шароитга қарамай, экиними ҳолати-

дан кўнглимиз тўқ. Тўғри, бу асорат айрим гўзаларимиз ривожига ўзини кўрсатди. Лекин, шунга қарамай август ойидан умидимиз катта. Шу сабабдан ҳар бир кунни ганимат билиб, экинни қўшимча озиклантиришга, юқори ҳосилдорликка эришишга ҳаракат қилаёпмиз.

СУРАТДА: – Экин ҳолатидан кўнглим тўқ, – дейди (чапда) Бароат Юсупова кўсакларни санар экан.

ГЎЗА ҚАЧОН СУҒОРИЛАДИ?

Бу йилги табиий шароит пахтакорларни яна бир бор жиддий синавдан ўтказмоқда. Негаки, апрель, май ойлари об-ҳавоси ҳийла мурраккаб келди. Шунга қарамай вилоятимиз пахта дала-ларида гўза ниҳоллари бир текис ундириб олинди. Гўза парваришига оид агротехника тадбирлари вақтида, сифатли амалга оширган аксарият фермер хўжаликлари дехқонлари пахтакорларидаги экин ҳолатини анча ўнглаб олдилар.

Маълумки, август ойи пахтакорлар учун энг масъулиятли давр ҳисобланади. Ҳосилга ҳосил қўшилидиган ушбу ойда ҳар бир агротехника тадбирини ўз вақтида, сифатли ўтказишга эътибор қўйиштирилади. Тўпланган ҳосил туғунчалари ҳамда кўсаклар тўқилиб кетишининг олдини олиш учун бор имкониятлар ишга солинади.

Тўпланган ҳосилни сақлаб қолишда гўзани энг мақбул паллаларда илмий асосланган меъёрий қоидалар асосида суғориб, тупроқда намни сақлаб туриш муҳим аҳамият касб этади. Бу вақтда гўзани суғоришда шунинг ҳисобга олиш кераки, гуллаётган, кўсак туғатган гўза барглари сатҳи кенгайди, илдиз тизими кучли ривожланиб, ер бағрига 1 метр ва ундан ҳам чуқурроқ кириб боради. Гўзанинг сувга талаби бу даврда кескин ортади. Шунинг учун ҳам гуллаш, кўсак туғиш даврида суғоришни кечиктириш мумкин эмас. Бинобарин, экинни чанқатиб қўйиш ўсиш ва ривожланишининг сусайишига олиб келади, барглари сўйилиб, ҳосил қўйишга путур етади. Пишиш даврида эса гўзанинг сувга бўлган талаби анча камаяди.

Бу йилги шароитда гўзани ҳосил тўплаш даврида сизот сувлари чуқур жойлашган енгил тупроқли ерларда суғориш меъёри гектарига 700-800 куб-метр, ўрта ва оғир тупроқли ерларда эса 900-1000 куб-метр эди белгиланиши илмий асосланган. Сувдан самарали фойдаланишнинг асосий омилларида яна

бири – суғориш муддатини тўғри белгилашдир. Одатда суғориш муддати гўза ҳолатининг ўзгаришига қараб белгиланади. Масалан, баргларнинг енгил ўсишига қараб ҳам суғориш муддатини аниқлаш мумкин. Куннинг энг иссиқ пайтида (соат 13-15 ларда) гўза барглари таранглигини йўқотади. Бу пайтда гўзанинг ўсув нуктасидаги 3 ёки 4 барги ўртасидан эгилганда, унинг марказий чизиги синмасдан осонгина эгилса, у сувсанган бўлади.

Аксарият фермер хўжаликларида органик ўғитлар захираси яратилган ва суғоришда "шарбат" усули қўлланилмоқда. Бу усулда гўн гўзага озик бериш билан бирга сувнинг буғланишини камайтиради, тупроққа сингишини яхшилайдиган, намликни сақлайди.

"Шарбат" тайёрлаш учун ҳар бир пайкалнинг сув кирадиган жойига ҳандақ қазилади. Суғоришдан 5-7 кун олдин 1:1 нисбатда сув билан гўн аралаштирилиб, "атала" тайёрланади. Бунда чирган гўн ёки компостдан фойдаланиш мумкин. "Шарбат" оқизилганда оқова сув билан даладан қиқиб кетишига йўл қўймаслик керак. Айниқса, ҳозирги пайтда ривож топган далада "шарбат" билан суғоришни ташкил қилиш мақсадида мувофиқдир.

Суғоришдан кейин юқори сифатли культивация муҳим роль ўйнайди. Сифатли культивация қилинган далада сув тупроққа яхши сингади, аксинча,

тупроғи яхши юмшатилмаган далада сув эгатдан тез ўтиб, кўп қисми беҳуда сарф бўлиши мумкин. Шу боис далани яхши культивация қилиш сувдан самарали фойдаланишнинг асосий шарти саналади. Суғорилган майдон тупроғи тобга келиши билан дарҳол культивация қилиш лозим. Ўз вақтида ўтказилган культивация намни сақлаш бораберида кесак пайдо бўлишининг олдини олади, гўза илдизлари керакли ҳароратни, озукани кўпроқ ўзлаштиради. Албатта, культивациянинг чуқурлигига ҳам катта аҳамият бериш лозим. Агар ишлов чуқур ва илдизга қкин ўтказилса, гўзанинг илдизи шикастланади ва пировардига ҳосил нишонларининг тўқилишига сабаб бўлади. Агар ишлов саёз ўтказилса, илдиз тизимига ҳаво ва иссиқлик камроқ ўтиб, бу ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун культивациянинг қатор оралиғи ва тупроқнинг механик ҳолатига риоя қилган ҳолда ўтказиш мақсадида мувофиқдир.

Август ойида яна бир муҳим агротехника тадбир – ҳосил нисбатан кечроқ етиладиган ҳудудларда агарда июль ойида улғурилмаган бўлса зудлик билан гўзани чеканка қилиш (чилиш) лозим. Бу муҳим тадбир гўзанинг асосий ва ён шохларининг ўсув нуктасини қиқчиш орқали, ўсимликларнинг вегетатив ўсишини тўхтатиш ҳамда озук модаларини ҳосил нишонларига йўналтириш мақсадида қилинади. Бунда тупларда бўлиқ кўсаклар кўпроқ шаклланади, уларнинг салмоғи, ҳосилдорлиги ва тола сифати ортади.

**Абдуғаффор
ОТАХУЖАЕВ,**
вилоят қишлоқ хўжалиги
илмий ишлаб чиқариш
маркази раҳбари.

Вилоят ҳаёти

ЯНГИ АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида "Ташвиқот-терминнал" томонидан янги-янги йўналишларда автобус қатнови йўлга қўйилаётган.

Яқиндан бошлаб "Абу-Сахий" бозори билан ўрта-овул шаҳарчаси ўртасида 592-автобус йўналиши очилди. Зангиота туманидаги Ҷишонгузар ва Қўшқили шаҳарчалари, Қарамон қишлоғи орқали ўтувчи

"ISUZU" автобуслари икки қишлоқ хўжалик коллежи, кўплаб мактабларнинг ўқитувчи ҳамда ўқувчилари, ўнлаб корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари узоғини яқин қилмоқда.
Юсуф ЖУМАЕВ.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА

Бўстонлиқ тумани марказидан 70 километр олисда жойлашган тоғли "Янги турмуш" маҳалласида қўшимча мактаб биноси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Тумандаги "Кристалл" фирмаси қурувчилари меҳнати билан барпо этилган бинога Мактаб ташлимини ривожлантириш жамғармаси ҳамда маънавий дастур доирасида 133 миллион сўмдан зиёд маблағ

сарфланди. Маҳаллий аҳоли кучи билан мактаб ўйингоҳлари ҳамда гулзорлар янги ўқув йили олдида тартибга келтирилди.
**Мунаввара
РАЖАББОВ қизи.**

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН БОШЛАНГАН ҲАШАР

Зангиота туманидаги Далигузар қишлоғида оқова сувлар ташламаси тизимини барпо этиш бошланди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳашар йўли билан амалга оширишга киришилган бу иш

пировардида хонадонларнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайдиган.
Жўрабек МУРОДОВ.

Халқимиз удумига кўра тўйга тўна билан борилади. Дехқонларимиз мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 6 миллион 610 минг тоннадан зиёд галла хирмони бунёд этиб, яқинлашиб келаётган байрамларимизга катта тўхфа ҳозирладилар. Мамлакатимизнинг барча ша-

Айниқса, пойтахтимизда олиб бориладиган кенг кўламли янгиланишлар, бунёдкорлик ишларининг суръати вақтни-да шошириб қўядиган даражада ҳайратланарли.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилаётган ишлар натижасида бугун шаҳар янада чирой очиб, аввалгидан ҳам ёрқинроқ гузаллик ва тароват касб этаётган.

Шаҳарнинг замонавий қиёфасини шакллантиришда миллий ва замонавий меъморлик ечимларининг энг илғор ютуқларидан умумий фойдаланилмоқда. Бундай залворли ўзгаришлар жараёнида кўплаб йўл-ўтказгичлар ишга туширилди, халқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидалар барпо этилди. Бозорлар, аэропорт ва вокзал бинолари деярли қайта қурилди. Замонавий меҳмонхоналар, маданият саройлари, музейлар, банклар, спорт мажмуалари қад кўтарди.

Илгирма икки асрлик тарихга эга Тошкент бугун ўзининг ҳусну таровати, бетакор замонавий иншоотлари, гўзал боғлари билан

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

ҳар ва қишлоқларида фойдаланишга топширилаётган янги-янги мактаблар, коллежлар, уй-жойлар, маданият-маърифий муассасалар, хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, ишлаб чиқариш корхоналари, кўприклар, йўллар ҳам шодиёналарга муносиб совғадир.

ТЕНГИ ЙЎҚ МАФТУНКОР ШАҲАР

жаҳоннинг энг ривожланган ва чиройли шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Пойтахтимизнинг Шарқ дарвозаси, Тинчлик шаҳри, Дўстлик шаҳри, Нон шаҳри сифатидаги шўхрати бутун оламга ёйилган.

Тошкентнинг хуш ҳавоси, мафтунокр табияти, фусункор боғлари меҳр-муҳаббат ила мадҳ этилган, жўшқин анҳор ва сойлари, мусоффо булоқларининг зилол ва шифобахш сувлари ҳақида тарихий манбаларда гўзал таърифу тавсифлар битилган бежиз эмас.

Ун олтинчи асрда яшаб ўтган тарихчи ва шоир Зайниддин Восифий "Бадоеъул-вақоъ" асарида Тошкент таърифида алоҳида тўхтади. "Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида" деб номланган қасидада унинг тиник сувлари, сўлим боғу роғлари, ширин мевалари, хайратомуз биноларини завқ билан тасвирлайди:

Халқ қандай кишини ўзига мафтунок этувчи Тошкентимиз маллоҳати олдига қойиб, битилган бундай таърифу тавсифларни яна кўплаб келтириш мумкин. Пойтахтимизнинг бугунги жамоли, қўрқу маллоҳати ҳам ижод аҳли учун чексиз илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда ёз ҳукмронлик қилаётган шу кезларда пойтахтимизнинг соя-салқин боғлари, файзли хабоблари жонимизга оро қиради. Турли дов-дарактлар, гулу чаманзорлар баҳ-

ри дилингизни очади.

Пойтахтимизда транспорт-коммуникация тизими изчил тақомиллаштирилаётгани, халқаро талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг 15 минг гектардан зиёд ҳудудини яшил майдонлар ташкил этади. Бу пойтахт заминининг 30 фоизи демакхир. Истиқлол йилларида шаҳарда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган ҳудуд 21,5 квадрат метрга ортиб, 69 квадрат метрни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич бўйича пойтахтимиз Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Сизтл каби кўплаб шаҳарларни ортда қолдирди.

Кўкаламзорлаштириш ишларида бу тахлит катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас, албатта. Чунки атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Маълумотларга қараганда, пойтахт коммуникция тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар микдори 1990 йилга нисбатан 25 фоизга камайган. Ваҳоланки, Тошкент қўчаларида 1990 йилга нисбатан 1,8 баравар кўп транспорт воситаси ҳаракатланмоқда.

Яшил ҳудудлар ва фавораларни қўлайитириш орқали шаҳарда салқин микроклим ҳосил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Исрол Каримов ташаббуси билан сўнгги ўн йилнинг ўзида пойтахтимизда уч

СОҒЛОМ ҲАЁТ ИБТИДОСИ

Чирчиқ шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамкорлигида барча маҳаллаларда "Соғломжон – полновжон" спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар иштирок эттиди.

Маҳалла фаоллари билан биргаликда ишлаб қилинган мусобақалар дастуридан "Қувнок стартлар", таништирув викторинаси ўрин олган эди. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари эсдалик совгалари билан тақдирланишди. Худди шундай мусобақалар ўтказган "Адолат", "Шодлик" ва Амир Темур маҳаллаларининг тажрибаси бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштирилаётган бўлди.

ДЎСТЛАР ЧОРЛОВИ

Бўстонлиқ туманидаги "Чотқол" оромгоҳида "Чотқол дўстлари чорлайди" мавзусида фестивал ўтказилди.

Байрамона руҳда кечган тадбир барчага шодлик, завқ-шаҳ-қуд этди. Болалар жонига қувонч уларни то илм даргоҳларига қадам қўйгунарларига қадар тарқ этмайдиган.
Ўз муҳбиримиз.

(Давоми 3-бетда).

Мавсум тадориғи

МУАММОНИНГ
ЕЧИМИ БОР

— Онаси, энди хона тўридаги қўлбола печни олиб ташласак, — бозордан қайтган Тўлқин қўлидаги гулкорозларни Дилрабога узатаркан, курум босган шифтга ишора қилди. — Таъмирланган уйни хунук қилиб қўйма-син, дейманда.

— Йўқ, йўқ, асло, — кутилмаган бу тақдир Дилрабога ёқмади. — Ахир уч-тўрт йилдан бери шу печ кунимизга яраётган бўлса. Дилфуза қизингизнинг тўрт мучаси соғ бўлиб, бир жойда ётиб қолмаганида эди...

— Кўп куйинма, барча даҳаларда таъмирлаш ишлари қизгин. Корхоналар бир нечта кўп қаватли уйлари, мактаб ва болалар бочалари биноларини таъмирлашга ҳомилийни қилишяпти.

— Ким билади дейсиз, қиш каттиқ келса, яна шу "матох"га зориқиб қоламизми, дейман.

Дарҳақиқат, Ангрен шаҳар 46-даҳа, 14-уй, 18-хонадон бекаси Дилрабо Зокированинг иккинчиганича бор. Сўнгги тўрт-беш киши мавсуми шаҳарликлар учун мураккаб кечди. Бунинг сабабларини, аввало, истеъмолчилар билан корхона ўртасидаги мажбуриятларнинг баҳарлишидан излаш лозим.

Шу йилнинг 1 июль ҳолатига Ангрен шаҳар "Иссиқлик манбаи" корхонасининг ҳамми дебитор қарзи 4 миллиард 446 миллион 400 минг сўмга етди. Афсуски, бунинг 99,8 фоизи аҳоли ҳисобига тўри келади. Қарзни қайтариш хусусида ўтган 6 ойда корхона фуқаролик судига 1528 та давво аризаси киритди, шундан 56 таси қўриб чиқилди, 26 миллион сўмлик қарз ундирилди.

Шу ерда савол тугилади. Хўш, асосий истеъмолчи бўлган аҳоли ўз мажбуриятларига шу қадар лоқайдми ёки иссиқлик энергияси билан таъминловчи корхона хизматидан норозими?

— Мен 2/2 даҳа, 32-А уйда яшайман, — дейди Зулфия Абдувалиева. — Қиш мавсумида уйлар мутлақо иситилмагани учун аҳоли кенгашиб, "Иссиқлик манбаи" орқали уйни бутунлай тармоқдан ўзиб қўйишга мажбур бўлди. Ахир, йўқ иссиқлик учун ҳисоб-китоб қилвериб — емаган сомсага пул тўлаш деган гап-ку.

Даҳаларни оралаб, мавзу доирасида одамлар билан суҳбатлашсангиз, шу сингари фикрларни кўп эшитасиз. Шундай экан, корхона раҳбарияти 2009-2010 йил куз-қиш мавсумида бундай камчиликлар тақдорланмаслиги учун бирор чора кўраётганими?

— Сир эмас, иссиқлик таъминотидаги барқарорлик аввало Ангрен иссиқлик электр станциясининг қишга қандай ҳозирлик қўриши, қолаверса, иссиқлиқни мавсум давомида зарур босимда етказиб берилиши, шунингдек, ёқилғи захирасига ҳам боғлиқ, — дейди "Иссиқлик манбаи" корхонаси раҳбари Хусангон Муҳиддинов. — Мавсумга 7 минг 600 тонна кўмир жамғариш зарур бўлган станцияда бугунча 3 минг тонна захира яратилди. Станциядан шахаргача бўлган марказий қувурлар таъмирланди.

"Иссиқлик манбаи" томонидан бажарилган ишларга келсак, мавжуд 9 та корхонадан 7 таси мавсумга ҳозирланди. Шаҳар мактаб ва болалар бочаларида 16 та қозонхона учун 1511 тонна кўмир тайёрланди. Даҳалар ичидаги 20 километр масофадаги ўрта босимли иссиқлик қувурлари таъмирланди. Бундан ташқари 6-даҳадаги қувурлар янгиланаяпти. Бунинг учун маъмулий дастур доирасида 126 миллион 234 минг сўм маблағ ажратилган. Амалга оширилган ишлар натижаси август ойининг учинчи ўй кунлигида мавжуд иссиқлик тармоқларини си-

новдан ўтказиш жараёнида маълум бўлади.

Тизимда ечимини қутаётган муаммолар кўп. Жўмладан, жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ корхона маблағи ҳисобидан бажарилиши белгиланган. Лекин бу ердаги оғир молиявий аҳвол режадаги ишларни орқага сураётти. Чунки корхона ҳисобига келиб тушаётган маблағнинг 80 фоизи Ангрен иссиқлик электр станциясига тўлиниши керак. 8 фоизи ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ҳақиға, 12 фоизи эса солиқ тўловларига йўналтирилмоқда.

Аҳолининг эътирози ҳақли, албатта. Агар таъмиёт барқарор бўлиб, уйлар етарли иситилса, юқоридаги норозиликларга ўрин қолмайди. Қардорлик ҳам барҳам топади.

Қиссадан ҳисса шуки, қишга тайёргарлик ишлари биргина "Иссиқлик манбаи" ёҳуд иссиқлик энергияси билан таъминловчи станциянинг вазифаси бўлибгина қолмай, шахардаги мавжуд уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ҳам асосий ишидир. Ширкатлар кучи билан кўп қаватли уйлارнинг 3080 метр иситиш ва иссиқ сув тармоқлари, 625 метр оқова сув қувурлари янгиланди. Шунингдек, режага киритилган 61 та кўп қаватли уй мукамал, 645 та уй эса жорий таъмирланаяпти. 5/5 даҳадаги 21-, 28-уйларнинг томи "Санотқалиноқозғосавдо" очик акциядорлик жамияти ҳамда "Ангреншаҳаргаз" идораси ҳомилийида тўзатиляпти.

Уйләймизми, ушбу мавсумолди ҳаракатлари қишнинг муаммоларсиз ўтишига, коммунал хизмат сифатининг яхшиланишига, энг асосийси қардорлиқнинг қамайишига хизмат қилади.

Мунаввара ИСОКУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

БАНККА БЕРИЛГАН
МУНОСИБ БАҲО

Давлат-тижорат Халқ банки фаолияти жаҳонга машхур "Standard & Poor's" халқаро рейтинг компанияси томонидан икки йўналишда "Барқарор" тоифадаги юқори рейтингда баҳоланди

Таъкидлаш керак, бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳа ва тармоқларнинг изчил фаолият юритишида молия муассасалари алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда, айниқса долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели узокки кўзланган тўри йўл эканлигини бугун бутун жаҳон тан олмоқда. Бу мамлакатимизнинг банк тизими мисолида ҳам аққол намоеён бўлмоқда.

Банкларимиз томонидан ажратилган кредитлар ва қўрсатилган хизматлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳасининг изчил ривожланишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидagi ўлуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 80 фоизга яқини айнан шу соҳада меҳнат қилаётди. Шунинг ўзи ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни молиявий қўллаб-қувватлаётган банкларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти ривожидagi ҳиссаси тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Бу жараёнда 199 та филиал, 248 та минибанк, 2230 дан ортиқ бўлим, 132 та махсус касса ҳамда 789 та кўма банк ва кассани ўзига бириштираган Давлат-тижорат Халқ банкининг ҳам муносиб ўлуши бор. Банк жамоаси давлатимиз раҳбари ва ҳукумат томонидан қўйилаётган талабларга ҳамда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурига қатъий амал қилган ҳолда банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш, унинг инвестицион фаолиятини ошириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва

технологик янгилаш жараёнидаги молиявий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, кичик бизнес субъектлари бизнес пойтахтларини молиялаштириш, аҳоли ва юридик шахсларга хизмат қўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, албатта, банк молиявий имкониятларининг янада кенгайиши, Халқ банкининг нафақат миқозлар, молия муассасалари, балки бошқа халқаро молия ташкилотлари олдидagi нуфузининг янада ортишига хизмат қилмоқда. 7 август кун жаҳонга машхур "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Халқ банкига берилган "Барқарор" баҳоси бунинг яна бир далилидир.

Мазкур халқаро рейтинг компанияси томонидан берилган бундай баҳо нафақат минтақамиз, балки жаҳон молия ташкилотлари учун ҳам бугунги шароитда энг юқори қўрсаткичлардан ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, мазкур "Барқарор" рейтинг даражаси нафақат Давлат-тижорат Халқ банкига, балки Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятига берилган баҳодир. Чунки Халқ банки филиаллар сони жиҳатидан Республика банк тизимининг 38 фоизини ташкил қилади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Президентимизнинг ўтган йили "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўзининг сифатли хизматлари билан оёғу эътибор топиб бораётган Халқ банкининг янада барқарор ривожланиши учун катта имкониятлар очмоқда. Мухими, иқтисодиётнинг турли тармоқларига кредитлар шаклида жойлаштирилаётган Халқ банки сармоялари ўз самарасини бермоқда, пиварадиди жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 47,8 мингта янги иш ўринлари яратилди. Жаҳонга машхур халқаро рейтинг компанияси томонидан банкка берилган "Барқарор" баҳоси банк жамоасини янада ташаббускорликка ва гайрат-шиҳоят билан ишлашга ундайди.

Халқ банки
матбуот хизмати.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бекобод шаҳар бўлими кенгаши қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда маҳалла фуқаролари иштирокида "Қадрият, урф-одат, аънава ва ёшлар", "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи", "Уч авалод учрашуви" каби тадбирлар ўтказмоқда.

ТАДБИРСИЗ
БИРОР
КУН ЙЎҚ

Шаҳарнинг К. Фармонов маҳалласи атрофидаги бинолар, маҳалла гузарлари кўп қаватли уйлар атрофини ободонлаштириш мақсадида ўтказилаётган ҳашарларда ёшлар ташаббусни қўлга олмоқдалар. Кенгаш ташаббуси билан Қасногорск шаҳарчасида қаровсиз ётган бино умумхалқ хашари билан ободонлаштирилди. Ёшлар учун бу ерда компьютер саводхонлиги, тикши-бичиш, таъқвондо, чет тиллар тўғраги фаолият олиб бормоқда.

Бекобод шаҳридаги Ю. Гагарин номли маданият ва истироҳат боғи-

да ташкил этилган "Сардорлар боғи" ободонлаштирилиб, барча манзарали дарахтлар оқланди. Боғ атрофи тозаланди. Тадбирда 65 нафар ёшлар иштирок этишди. Болалар ижодиёти маркази, маданият ва спорт ишлари бўлими хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда шаҳарда "Зулфияхоним" кўрик-танловининг вилоят босқичида иштирок этган қизлар ўртасида истиқлол байрамининг 18 йиллиги олдидан "Мустақиллик фарзандлари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Юлдузхон
ФАЗЛИДИНОВА.

ҲАР ДАРСДА БИР ЯНГИЛИК

ратлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касобларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Чиндан ҳам, ўқитувчи наинки синф хонасига фойза ва зиё олиб қирадиган, балки минг-минглаб мурғак қалбларга эзгулик ёғдусини бахш этадиган, ўз ўқувчиларига ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактабини берадиган мўътабар зотдир".

Бу шунчаки баянлардов гаплар эмас, балки устоз ва ўқитувчининг машаққатли меҳнатига берилган ҳақиқий баҳодир. Бу касбнинг шарафи қанча беҳиёс бўлса, масъулияти ҳам шу қадар юқоридир.

Давлатимиз истиқлолнинг дастлабки йилларида-ноқ таълим тизимига алоҳида эътибор қўрсада бошлади. "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури" татбиқ этилди. Тан олиш кераки, бугунги мактаб билан кечаги тизимдаги мактаб ўртасида анча фарқ бор.

Бунинг кунвонтирган энг муҳим нарсаси шуки, чекка-чекка кишлоқларимизда ҳам йилдан йилга мактаб таълимига эътибор ортиб бораётди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда бунинг янада тевароқ аңглияпти. Мен шўролар даврида ҳам ишлаганман. Очик айтиш керак, у даврда на ўқитувчиға, на мактабга эътибор бор эди. Бугун мактабларимиз қайта

таъмирланиб, энг янги усулдаги таълим даргоҳларига айланди. Ўқув жараёналарига замонавий технологиялар олиб қирилапти. Ўқитувчилар учун устама ҳақлар белгиланаяпти. Ҳар соҳада янгилик, ислохотлар юз бераётди. Бугун ана шу жараёнларни биринчи бўлиб ўқитувчи аңглаб, теран мушоҳада қилиб, ўқувчиларига етказиши лозим. Бунинг учун мактаб даргоҳига қадам қўйган ҳар бир ёш муаллим бунинг юракдан ҳис қилиши керак.

Биёз фаолият қўрсаётган умумтаълим мактаби ўқитувчиларини ана шундай фидойилар деб биламан. Айниқса, математика ўқитувчиси Шаҳодат Ўрдабоева, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Айтура Иситаева, рус тили ўқитувчиси Элмира Иситаева, физика ўқитувчиси Азиза Абдуллагаевларнинг дарсларини қўзатиб бориб, шу хулосага

келдим. Инсон ўзлигини аңглаши, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрғида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Ўқитувчи энг аввало ўқувчида ана шу туйғунини шакллантира билиши керак. Шундагина у мақсадиға эриша олади.

Бу йил мустақиллигининг 18 йиллигини нишонлаймиз. Мустақил юртимиз эндигина бағоят ёшига тўлди. Ҳали олдинда ишлар кўп, энг муҳими бугунги ёш авлодини ҳар томонлама ётуқ қилиб тарбиялаш нақадар долзарб вазифа эканлигини дарсга қирган ҳар бир муаллим янада чуқурроқ аңгашини жўда-жўда етардим.

Гулсара ИКРОМОВА,
Юқоричириқ
туманидаги
11-мактабнинг илмий
бўлим мудираси.

Маҳалла жонқуярлари

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда ҳудудий босқичларда ғолибликни қўлга қиритган маслаҳатчилар кўрик-танлов низомида белгиланган 3 та шарт бўйича ўзаро куч си-нашдилар.



МАҲОРАТНИНГ УЧ ШАРТИ

Ҳайбат аъзолари иштирокчиларнинг маҳаллада соғлом диний маърифат ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлашга оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда амалга оширилган тадбирлар тўғрисидаги маълумотлари, иш фаолиятига оид фото-альбом, плакат ва кўргазмалар воситалари ёрдамидаги чиқишлари орқали баҳоланди.

Тошкент тумани Масалбой кишлоғидаги "Ҳиёбон" маҳалласи маслаҳатчиси Ақида Ҳамдамова барча шартлар бўйича пухта тайёргарликка эга эканлигини намоиш этиб, фахрли би-

ҳатчиларнинг маҳорати ўз маҳалласи тарихи, ҳудудини ўзига хос жиҳатлари, турмуш тарзи, маданияти ҳамда бугунги кундаги ижтимоий-иқтисодий қамолоти тўғрисида видеоорлик ва саҳна кўринишлари воситалари ёрдамидаги чиқишлари орқали баҳоланди.

Тошкент тумани Масалбой кишлоғидаги "Ҳиёбон" маҳалласи маслаҳатчиси Ақида Ҳамдамова барча шартлар бўйича пухта тайёргарликка эга эканлигини намоиш этиб, фахрли би-

ринчи ўринни эгаллади. Уртачирчиқ тумани Йўнғичолдо кишлоғидаги "Қўтб юлдузи" маҳалласи маслаҳатчиси Қўрбоний Отақулова иккинчи, Чиноз тумани Ўзбекистон кишлоғидаги "Чорвадор" маҳалласи маслаҳатчиси Меҳри Қўрбонова ва Бўқа туманидаги "Ўзбек" маҳалласи маслаҳатчиси Шаҳноза Матқаримовага учинчи ўрин насиб этди.

Ғолиблик фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.
Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.



СУРАТЛАРГА: кўргазмалар билан танишув; ғолибларни тақдирлаш пайти.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
«ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2009»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди нодавлат нотижорат ташкилоти босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет наشرларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет наشرларини жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фоллигини ошириш мақсадида республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистларини "Жамият ва мен — 2009" танловига қатнашишга таклиф этади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўллаб-қувватлаши остида ўтказилади.

Танлов йўналишлари

Танлов кўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

— "Юксак маънавият — жамият пойдевори" мавзусидаги энг яхши материал;

— "Таълим тизими ислохотлари журналистни нигоҳида";

— "Соғлом ёшлар — келажак пойдевори" мавзусидаги энг яхши материал;

— "Фермер аёллар: имконият ва истиқболлар" мавзусидаги энг яхши материал;

— "Кам таъминланган оилаларга эътибор" мавзусидаги энг яхши материал;

— "Соғлом она — соғлом бола" мавзусидаги энг яхши материал;

— энг яхши журналист текшируви;

— интернетдаги энг яхши мақола;

— энг яхши фотопортрет;

— йил дебюти (таалаб-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бириштириш ва мамлакатдаги ижтимоий ҳимояга мўҳтоб фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга қўмақлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизими-

да амалга оширилаётган ислохотлар, тиббий саводхонлиқни ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни гиёҳвандлик, ичкиликбозлик каби зарарли иллатлар таъсиридан асраш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танлам этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Фотопортретлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2009 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади.

Танлам этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда, 2008 йилнинг 1 декабридан 2009 йилнинг 1 декабрига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари янги — 2010 йил арафасида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилини тақдирландилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жағмараллар, манфадитор идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли ҳайбат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий меъзон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, қимматли совғалар билан тақдирландилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот қўришидаги маълумотлар "Жамият ва Мен — 2009" танловига" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2009 йил 10 декабрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади.

Танловга қатнашувчи журналистларнинг ахборот ва алоқа хизмати:

— 10129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона, тел./факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmm@uzrak.uz, mmmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита.

ИЙМОН ҚАДАР ЮКСАКСАН ЎЗИНГ

Ҳурматли газетхон!
Истиқлол бугун ҳар биримизнинг ҳаётимизга ёруғлик сочиб турибди. Унинг мазмунини ва моҳиятини қўлга киритаётган ютуқларимизда, ўзгариш ва янгиланишларда, одамлар онги ва тафаккурида кўриб турибмиз.

Ҳукмингизга ҳавола этаётган янги шеърларимда муштақиллик туйғуларни қаламга олдим.
Яқинлашаётган Истиқлол байрамимиз ҳаммамизга муборак бўлсин!

Муаллиф.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Етти ота – масканим шу жой,
Ўша кўёш, ўша юлдуз, ой.
Илдиз отдим шунда ҳойнаҳой,
Тинч-омоним – Ўзбекистоним.

Қайга борсам соғиниб қайтдим,
Ҳамма ерда улуғлаб айтдим.
Тириклигим – қишлоғох пайтим,
Тўрт томоним Ўзбекистоним.

Иймон қадар юксаксан ўзинг,
Оқлаш – шараф, бир чимдим тузинг.
Дунё узра танилғай сўзинг,
Жону-танним – Ўзбекистоним.

Сен – улкан бог, яшнайверасан,
Сен – булоқсан, қайнайверасан,
Элинг бутун, қувнайверасан,
Гулистоним – Ўзбекистоним.

БУЛБУЛ ТИЛИ – ЎЗБЕК ТИЛИ

Дунёда турфа хил миллатлар яшар,
Ўз дини, ўз тили, кийими билан.
Таомлар ҳам, ҳатто, феълга яраша –
Ош, манти, баъзида... курбақа, илон.

Турли жонзотларга ҳавас ҳам ҳар хил,
Ҳар кимнинг ўзига маъқул элидир.
Неки бор бисотда – ўзимизга хос:
Булбулнинг тили ҳам ўзбек тилидир.

ҚИШЛОҚДА...

Қишлоқда оддий бир гуруннинг гапи,
Юзталаб хонадон ичига етар.
Шунданми, биронта гаплар қолмағай,
Келган меҳмонлар ҳам эшитиб кетар.

Масалан, темирчи Камолнинг ўғли,
Кеча Франциядан қайтиб келганин.
Қирқ ямқ тўн кийиб ўтган Эшматнинг
Кенжаси тадбиркор йигит бўлганин.

Ё ўттиз йил кетмон чопиб ҳориган,
Турсунбой сувчининг кўрган кунини.


Фермерлик жиливин қўлга тутди-ю
Янгилаб олди у уй ва тўнини.

Маматқул бувада ўн беш неварга,
Учтаси уч жойнинг катталаридир.
Замонни мақтайди чевараларга,
Дуоси – оқ йўлнинг чипталаридир.

Хуллас, ҳаёт қизғин, ҳар кун янгилик,
Қулоғин чимириб турар одамлар.
Қишлоқда қанотли гаплар тугилар,
Қишлоқда гап катта-катта одимлар...

Ҳамид НОРҚУЛ.

Рассом ханадаси



– Огайни ҳозир XXI аср, бизда ҳам тараққиёт бор.

Жаҳонгир МИРЗО чизган расм.

Утеранное свидетельство (1375) к аттестату о среднем образовании № 226348, выданный 22.06.1995 г. РСМАЛ им. В. Успенского (бывший РСМШИ им. В. Успенского) на имя Эшқувватова Олима Нуриддиновича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный аттестат У № 0393223, выданный в 24.07.2003 г. средней школой № 158 Мирабадского района г. Ташкента на имя Епифановой Элеоноры Викторовны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълолар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзиллими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи:
Умид УБАЙДУЛЛО

Хафтаннинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Нашр индекси – 205.

Буюртма Г-740. Адади 4312.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.


ISSN 2010-9318.

Белгилери материаллар – тижорат материаллари.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Қорхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00.



– Ана, ойижоним келяптилар.

Даврон АХМАД сурат-лавҳаси.

Хотин киши эркакнинг еттинчи қовурғасидан яратилган, дейишади. Аслида хотин зоти эркакнинг жағ суягидан ясалган бўлса керак.

Келинингиз эрталаб ширин-шакар сўзлар билан ишга кузатиб қолади: – Бўлди-е, кавшана-верман! Урушга кетаётганингиз йўқ, ондан ўлиб қолмасиз. Ҳа, айтганча, ишхонада қамалиб ўтира-вермасдан мен тайинланган нарсаларни топишга ҳаракат қилинг. Ишдан кейин тўғри уйга келинг, яна чойхонада адашиб қолиб кетманг!

Адамасдан уйни топиб келсан ҳам жағи тинмайди: – Келдингизми? Ётиб қолавермабсиз-да. Бирор кун эрталоқ келиб, уй ишларига қарашангиз нима қиларкан-а? Кўчинимиз Имомали акани қаранг, кир ювиб ўтирибди. Бирам ярашибди! Нега миқ этмай турибсиз, гапиринг.

Оғиз очиб кўринг – қулоғингиз эрталабгача жағларининг остида қолиб кетади.

Уйдаги бундай қулоқор-рикларга баҳоли қудрат чидаб юрардим. Ишхона деган жойнинг борлигига шукроналар айтиб, қулоғимни дам олдириб келардим. Уйга телефон туширдими, ишхонадаги оромим ҳам осмонга учди. Хотиннинг тонгги “концерти” қулоқдан кетмай туриб, телефондагиси бошланди.

– Ҳм, етиб бордингизми? Намунча имиллаб йўл босмасангиз, уч марта телефон қилдим, йўқсиз. Ўтиравермасдан, ёнингиздаги бозорга кириб, палон нарсга олиб чиқинг.

Бозорга кириб чиқимга яна кўнгирик: – Эснаб ўтирибсизми? Мен айтган нарсани олдингизми? Э, бекор қилибсиз, омонда бор экан, яхшиси, пистон нарсасига алмаштириб чиқинг.

Буйруқларини адо этман, яна телефон “дод” деб мени йўқлаётган бўлади.

– Ухлаб қолдингизми, дастакни кўтармайсиз. Алмашгирдингизми? Яхши бўлмабди. Пистон нарсани кеча олиб келган экансиз. Дарров кириб пулни қайтариб олинг. Ўзи топишингизни тайини йўқ, пулни беҳудага

гинтириб қўймасдан! – дейман дастакка. Хотиннинг бу гапларни эшитиб, қанчалик жигибийрон бўлаётганини кўз олдимга келтириб, қотиб-қотиб қуламан.

Осуда кунларимнинг бирида бошлиғимиз жилмайиб кириб келди.

– Оббо, Қосимжон-эй! – деди елкамга қоқиб. – Ажойиб ихтиро қилибсиз,

ҳақидаги ҳисобот бугуноқ менинг столимда бўлсин.

– Уйлаб гапирябсизми, ҳужайин? – Олимбой ҳайрон бўлиб сўрабди. – Ойни энди бошлаган бўлсан, унинг якуни ҳақида қандай ҳисобот берманг?

Дастакдан эса: – Нимага индамайсиз? – деган овоз келибди. – Гапираяпман-ку! –

бойнинг тепа сочи тикка бўлиб кетибди. “Ё ҳужайин, ақдан озган ёки мен”, деган ҳаёл билан секин дастакка разм солса, жағи йўқ эмиш! Бошлиғимиз уларни жағсиз қилиб қўйиб, синовдан ўтказаятган экан!

Ҳужайиннинг иши фақат телефонда буйруқ беришдан иборат бўлиб қолди. Биз эса... Дардимизни жағсиз телефонга айтиб, ишлашга ўтдик. Камига, “Янги ихтиролардан йўқми?” деб ҳар кун сўрашларини қўймайди. Ҳатто юқоридаги бошлиқларига мақтовимни терак бўлиб қилишган эканми, у киши атай келиб, раҳмат айтиб кетди.

Аммо эртасига... Бошлиғимизнинг қовоғидан ҳам қор ёғиб қолди. Биз билан фақат телефонда гаплашарди, тўплаб илгилар қилди. Елкамга қоқиб ўрнига, менга еб қўйгудай қараб, тишларини гижирлатиб, нимадир деб гудиллади. Билсам... Юқоридан келган бошлиқлари телефонларини жағсиз қилиб кетишган экан!

“Ўз аризмамга мувофиқ” ишдан бўшатилдим. Бирок, тушқунликка тушганим йўқ. Янги ихтиролар устида бош қотиряпман. Мана энг сўнггиси: жағи бору, қулоғи йўқ телефон. Яъни дардингизни уч соат дoston қилсангиз ҳам жим тинглайверарди. Аммо дардингизга дармон бўладиган бирор қалима эшитмайсиз. Лекин ҳозирча ихтиромизга харидор чиқмайроқ турибди. Хотин бўлса:

– Харидор қутиб овера бўласиз, деб сизга саксон саккизинчи марта айтаяпман: ихтиро қилишда кечикдингиз. Бунақа қулоғи йўқ телефонлар ҳамма идораларни босиб кетган! – дегани деган.

Жаҳдан яратилган нарсга бўлса, жаврайверарди, деб унинг гапларига парво қилганим йўқ.

Саид АНВАР.



сарфламанг.

Тўйиб кетдим. Телефон яратган одамнинг гўрига қалаган гишларимдан бемалол дангиллама иморат курса етадиган бўлди. Жаҳл билан уйдаги телефоннинг микрофони, яъни жағини олиб, томга отиб юбордим. Ҳе-хе! Бўлар экан-ку! Тинчидим-қолдим. Кўнгирик жингилдади, дастакни кўтараман, аммо бирор-та товуш эшитмаман.

– Гаплашамизми ёки жим тураверамизми? Уйда нима гаплар, айтмайсизми, хотинжон? Қанақа топириқларингиз бор? Гапирмайсиз, демек бизга топириқ йўқ, унда хайр! Телефон қилиб тулинг, бизни со-

бизга айтмайсизам. Биласизми...

Билсам, ҳужайиннинг хотинлари ҳам жағдан яратилганлардан экан. У кишининг ҳолатини чиқардим – телефонлари жағсиз бўлди. У хурсанд, мен хурсанд... Лекин ҳам-касбларимнинг кундан кунга қовқоқлари осилиб кета бошлади. Зимдан суриштирсам... Ҳе-хе! Бошлиғимиз ихтирочиларда мендан ўзиб кетибди: ходимларнинг ҳамма телефонларини жағсиз қилиб ташлабди. Бундан беҳабар, унга биринчи бўлиб Олимбой рўпара бўлибди.

– Олимбой! – дастакдан бошлиқнинг овози келибди. – Ой якуни

дебди Олимбой зарда билан. – Ойни энди бошладик, якуни тўғрисида ҳисобот тайёрлаш мумкин эмас.

– Айтадиган гапингиз бўлмаса ишга киришаверинг! Дут-дут-дут!.. – дебди дастак.

Олимбой дастакка тикланганча бақа бўлиб қолибди. Бошлиқнинг хонасига чопибди. Дардини дoston қилмоқчи бўлган экан, “Вақтни беҳуда сарфлаб, менинг олдимга келиб юрмасдан, телефонда айтинг дардингизни!” дебди бошлиқ. Телефонга дардини дoston қилса, “Гапирасизми ё жим тураверасизми?” деган сўзларни эшитибди. Олим-

Билиб қўйган яхши

• Қонингиз таркибиди қанд микдори қўлайиб кетган бўлса, ҳар кун бир пиёла қайнатилган сутга 2-3 томчидан ўсмангиз сиқиб олинган шарбатини томизиб, ичиб тулинг. Энди бошланиб келаётган қанд касаллиги ўтиб кетади.

• Ҳар қандай қулоқ шангиллаши ва шовқинларини зира солиб дамлаб ичилган чой бартараф этади.

• Танангизнинг бирор жойи енгил қуйса, пуфакчалар ҳосил бўлмасдан туриб, дарҳол бир дона картошкани қиймагайчадан ўтказингиз, туҳум оқига аралаштириб суртинг.

• Турли даражадаги тана куйишининг асл

давоси ўша жойга илитилган зигир мойини ўртача қалинликда қилиб суртишдир.

• Оёқларингизнинг тез-тез томири тортишиб қолса, таомингизга оқ ёки қора мурчи қўшиб истеъмол қилинг. Терла-масангиз ҳам, касаллигиз бартараф бўлади.

• Семизўт ва чирмовуқ гиёҳларини йиғиб, тоза сувда яхшилаб ювиб, қиймагайчадан ўтказиб, чучвара қилиб ҳафта давомида еб борсангиз – бош миангиз ойнадек тиниклашади, хотирангиз кучаяди. Бош оғриқларингиз қолади, тетиклашасиз. Семизўт ва чирмовуқли таом беморларни фалаж ва тутқаноқ дардларидан фориғ қилади.

Утеранное свидетельство № 004220 от 21.02.1995 г. о включении хозяйствующего субъекта в государственный реестр предприниматель и организация, выданное Главным вычислительным центром государственного комитета по прогнозированию и статистике Кабинета Министров РУз, выданное Детской психоневрологической больнице им. У. К. Курбанова МЗ РУз, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси фахрий журналист, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг соиб қоб муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Зиёд Исмоилович ЕСЕНБОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинлариға чуқур ҳамдардлик билдиради.